Тошкент оқшоми

2014 ЙИЛ 7 ИЮЛЬ, ДУШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 132 (12.693)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Оқ йўл сизга, талабалар

КЕЛАЖАК САРИ НУРЛИ ЙЎЛ

Айни кунларда шаҳримиздаги барча олий ўқув юртларида талабаларга диплом топшириш маросимлари бўлиб ўтмоқда. Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетида «Оқ йўл сизга, талабалар» мавзуидаги тадбир ҳам юқори савияда ўтди. Унда битирувчи талабалар, уларнинг яқинлари ва ўқитувчилар иштирок этдилар.

Тантанали маросимни университет ректори Р.Сайдаҳмедов кириш сўзи билан очар экан, битирувчиларни табриклаш баробарида мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ёшларнинг ҳеч кимдан кам бўлмай камол топишлари учун яратиб берилаётган кенг имкониятлар ва уларнинг самараси, қўлга киритилаётган ютуқлар хусусида сўз юритди.

Айтиш керакки, Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети узоқ тарихга эга бўлиб, унинг ташкил этилиши санаси 1918 йил 21 апрелга бориб тақалади. 1949 йилда Ўрта Осиё политехника, 1961 йилдан Тошкент политехника институти номи билан юритила бошлаган ўқув муассасасига 1973 йилда Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1000 йиллиги муносабати билан алломанинг номи берилди.

Мустақиллик шарофати боис, Юртбошимиз ташаббуслари билан мазкур олий техника даргоҳининг университет мақомини олиши улкан аҳамиятга эга бўлди. Истиқлол йилларидан бошлаб Тошкент Давлат техника университети мамлакатимизнинг энг пешқадам ва замонавий олий ўқув масканларидан бири сифатида нафақат Ўзбекистонда, балки дунёнинг илмий, техник, маданий ва маърифий ҳаётида ўзига хос из қолдирмоқда.

Ўқув муассасасида бугунги кунда 11625 нафар талаба-ёшлар таҳсил олмоқда. Жумладан, бакалаврлар 10992 нафар, магистрлар 633 нафарни ташкил қилади. Шулардан битираётган бакалаврлар сони 2697 нафар бўлса, магистрлар 403 нафарни ташкил қилмоқда.

— Биз ёшларга шундай шарт-шароитларни яратиб берган ва келажагимиз учун мустаҳкам пойдевор бунёд этган мамлакатимиз Президентига барча тенгқурларим номидан миннатдорчилик билдираман. Келажакда олган билимларимни Ватанимиз равнақига бағишлайман, — дейди Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетининг нефт ва газ факультетини имтиёзли диплом билан тугаллаган Шерзод Абдуллаев.

— Менинг ҳаяжоним ҳам бир олам, — дейди магистрлик босқичини тамомлаган Дилафрўз Асадова. — Айниқса онам кўзидаги қувонч ёшларини кўриб, қалбим ифтихор туйғуларига тўлиб кетди. Она учун фарзанд камолини кўриш, унинг ютуқларидан фахрланиш ва шодликларига тенг шерик бўлишдан ортиқ бахт бормикан бу оламда.

Тошкент Давлат техника университетида 2015 йилдан бошлаб, бакалавр факультетлари сонининг кўпайтирилиши режалаштирилмоқда. Ўйлаймизки, бу талабаларга ўзгарувчан меҳнат бозорининг талабларига жавоб беришдаги интилишлари учун янги имкониятлар яратиб беради.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА
СУРАТДА: тадбирдан лавҳа

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ижодкорларнинг ҳалол ва фидойи меҳнатини қадрлаш масаласига доимий эътибор қаратиб келинмоқда. Ҳар йили мустақиллик байрами арафасида ўтказиладиган «Энг улуғ, энг азиз» республика танлови бу борадаги ғамхўрликнинг амалдаги ёрқин ифодасидир.

ВАТАННИ КУЙЛАШ БАХТИ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган мазкур ижодий танловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг йиғилиши бўлиб ўтди.

Истиқлол йилларида янги ҳаёт, янги жамият барпо этишга оид ислоҳотлар жараёнида халқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларда она-Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, турли соҳаларда кечаётган ўзгаришларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти, эришилган улкан ютуқларни юртдошларимиз онгу шуурига таъсирчан тарзда етказиш масаласига устувор аҳамият қаратилаётир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014 йил 1 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорида улуғ айёмни муносиб кутиб олиш ва ўтказиш мақсадида Ватанимизнинг тараққиёт йўли ҳар томонлама тўғри ва ҳаётий йўл эканини, янги демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасида эришилган ютуқ ва марраларнинг моҳияти ҳамда аҳамиятини халқимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказиш масаласи муҳим вазифа сифатида белгиланган.

«Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий, тарғибот-ташвиқот ишлари дастури доирасида олимлар, маънавият тарғиботчилари, маданият ва санъат намояндалари иштирокида туркум маънавий тадбирлар ўтказиш билан бирга ижодий танловлар, бадиий-фото кўргазмалар, учрашувлар, жонли мулоқотларни ўтказиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, «Ўзбеккино» миллий агентлиги, Бадиий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ўтказиладиган «Энг улуғ, энг азиз» танлови эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи тараннум этилган энг сара асарларни халқимизга тақдим этишдек мақсадни кўзлаши билан аҳамиятлидир. Ижодий беллашув мобайнида ёзувчи ва шоирлар, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндаларининг шу мавзуга оид энг мукаммал асарларини саралашга жиддий эътибор қаратилади.

Йиғилишда мазкур танловга тайёргарлик кўриш, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларини юксак савияда ўтказиш билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама этилиб, вазифалар белгилаб олинди.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

МАМЛАКАТЛАРНИ БОҒЛОВЧИ КЎПРИК

ПЕКИН, 4 июль. ЎзА махсус мухбири Нодира МАНЗУРОВА хабар қилади.

Хитой пойтахти Пекин шаҳрида Буюк Ипак йўли бўйлаб иқтисодий коридор ташкил этишда оммавий ахборот воситаларининг ҳамкорлигига бағишланган форум бўлиб ўтди. Хитойнинг «Жэньминь Жибао» газетаси томонидан ташкил этилган анжуманда Хитой, Ўзбекистон, Россия, Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркиянинг элликка яқин оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Анжуман қатнашчилари Хитой Халқ Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг расмий вакили Хонг Лей билан учрашди.

Хонг Лей Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2014 йилнинг май ойида Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг IV саммитидаги иштироки ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан учрашуви мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик ҳамкорлик ривожида янги босқич бўлганини қайд этди.

– Ўзбекистон Марказий Осиё ва умуман Буюк Ипак йўлидаги муҳим давлатдир, – деди Хонг Лей. – Хитой Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлайди. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро савдо айланмаси ҳажми барқарор ўсиб бораётганидан мамнунмиз. Ўзбекистонда иқтисодий-ижтимоий, давлат ва жамият бошқаруви соҳаларида олиб борилаётган ислоҳотлардан ўрнак олса арзигулик жиҳатлар кўп.

Хитойлик ишбилармонлар билан учрашув Буюк Ипак йўли мамлакатларининг, хусусан, Ўзбекистон билан Хитой ўртасида иқтисодиётнинг турли соҳаларида ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳалар ҳақида атрофлича фикр алмашиш имконини берди. Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси халқаро департаменти бош директори Чжэн Син мамлакатларимиз ўртасида ёқилғи-энергетика комплексида ҳамкорлик изчил ривожланаётганини қайд этди. Марказий Осиё – ХХР газ қувурининг тўртта тармоғи ҳам Ўзбекистон ҳудудидан ўтиши нефть-газ соҳасида юксак даражадаги ўзаро ишонч ва яқин ҳамкорликдан далолат беради.

Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси нафақат истиқболли углеводород конларини ўрганиш ва ўзлаштириш, балки табиий газни қайта ишлаш лойиҳасини амалга оширишда ҳам қатнашмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасида энг қисқа темир йўл тармоғини барпо этиш ўзаро иқтисодий ҳамкорликнинг долзарб стратегик йўналишларидандир. Бу Хитойнинг Марказий Осиё, ундан кейин Жанубий Осиё мамлакатларига чиқишини таъминлайди. Мазкур йўналиш Ангрен-Поп темир йўли қурилиши лойиҳасини ўз ичига олган. Мулоқот чоғида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси билан Хитойнинг «China Railway Tunnel Group» компанияси ўртасида имзоланган шартнома асосида хитойлик лойиҳасини ўз ичига олган. Мулоқот чоғида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси билан Хитойнинг «China Railway Tunnel Group» компанияси ўртасида имзоланган шартнома асосида хитойлик ҳамкорлар иштирокида 2013 йилнинг июнь ойида мазкур довон йўли қурилиши бошлангани Ўзбекистон ва Хитой ўртасида транспорт соҳасидаги ҳамкорликнинг янги босқичга кўтарилгани ва муттасил тараққий этаётганининг ёрқин далили экани қайд этилди.

(ЎзА)

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** ФЖШМҚМИ Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмасида «Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини амалга оширишдаги иштироки: ҳолат ва истиқболлари» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

✓ **ПОЙТАХТИМИЗДА** Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси сиёсий кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди.

✓ **ЭРТАГА** Миробод туманидаги 12-мусиқа ва санъат мактабида «Энг намунали маҳалла фуқаролар йиғини» кўрик-танлови ташкил этилади.

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Нукусда Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Тадбирда она Ватан, истиқлол, унинг улкан имкониятлари, миллий ўзликни англаш, асрий анъаналаримизнинг тикланиши, ёшларни буюк аждодларимизга муносиб инсонлар этиб камолга етказиш йўлидаги меҳр-эътиборни тараннум этувчи куй-қўшиқлар янгради.

● Сирдарё вилоятининг Мирзаобод туманида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.Туман ҳокимлиги ҳамда бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда олтмишдан ортиқ корхона ва ташкилот мавжуд бўш иш ўринлари билан қатнашди. Тадбирда ўттиз нафарга яқин коллеж битирувчиси ишга кириш учун йўлланма олди.

● Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманида жорий йилда касб-ҳунар коллежларини битириб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагидаги йигит-қизларга банкларнинг имтиёзли кредит маблағларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

● Хўжайли алоқа касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган «Хайр, коллежим!» деб номланган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайиши, замонавий билим ва касб-ҳунар эгаллаши учун яратилаётган кенг имкониятлар ўзининг юксак самараларини бераётгани таъкидланди. Тадбирда коллежни 4 мутахассислик бўйича битираётган 126 нафар ёшларга диплом ва меҳнат дафтарчалари топширилди.

ЖАҲОНДА

● Япониянинг «Honda» компанияси бизнес-класс туркумига кирувчи беш ўринли дастлабки реактив самолётнинг синов парвозини муваффақиятли ўтказди. Кичик ҳажмли мазкур ҳаво лайнери соатига 770 километр тезлик билан учиши ва 13 километр баландликка кўтарила олиши мумкин. Айтиш керакки, самолётнинг двигателлари унинг қанотлари устига жойлаштирилган. Мазкур транспорт воситасининг кейинги йилдан сотувга чиқарилиши кутилмоқда.

● Германиянинг спорт кийимлари ва жиҳозларини ишлаб чиқариш бўйича машҳур «Adidas» компаниясининг 2014 йилдаги савдо айланмаси илк бор икки миллиард евродан ошяпти. Айтиш керакки, «Adidas»нинг иқтисодий кўрсаткичларининг яхшиланишида Бразилияда футбол бўйича бўлиб ўтаётган жаҳон чемпионатининг таъсири жуда катта. Чунки «Adidas» компанияси ушбу чемпионатнинг ҳомийси ҳисобланади.

● Россиянинг Ставрополь областидаги қишлоқлардан бирида жуда яхши сақланган қадимий кит скелети қолдиқлари топилди. Маҳаллий палеонтологларнинг фикрича, унинг ёши тахминан 12 миллион йилга тенг. Топилма айни пайтда музей-кўриқхонага топширилган ва мутахассислар томонидан ўрганилмоқда. Айнан бу ердан қадимги кит суяклари қолдиғи топилгани бежиз эмас экан. Зеро, бундан тахминан 12 миллион йиллар илгари бу ҳудудда Сармат денгизи мавжуд бўлган.

MUSTAQILLIK · INDEPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ
23
O'ZBEKISTON

Жамоат транспорти ҳар қандай замонавий мегаполисни ривожлантиришнинг асосий таркибий қисмларидан бири сифатида аҳолининг турмуш сифати ва қулайлигига бевосита таъсир кўрсатади. Марказий Осиёдаги энг йирик ва чиройли шаҳарлардан бири бўлган Тошкент йўловчиларга хизмат кўрсатиш бўйича ривожланган тизимга эга. Мустақиллик йилларида бу борада амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар жамоат транспортининг ҳар жиҳатдан янада қулай бўлишига хизмат қилмоқда.

ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

«Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик компанияси бошқаруви раиси ўринбосари – бош муҳандиси Мирҳосил ХОЛМАТОВ ЎзА мухбирига соҳани ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва истиқболлари хусусида сўзлаб берди.

– «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик компанияси шаҳар жамоат транспортини ривожлантиришда қандай ўрин тутади ва унинг асосий вазифалари нималардан иборат?

– Компаниямиз шаҳар йўловчи транспорти хўжалик бошқарувининг ваколатли органи бўлиб, йўловчи транспортида ташиш жараёнини бошқариш ва тартибга солиш ишларини амалга оширмоқда. Компания тармоқни ривожлантириш ва такомиллаштиришда ягона техник сиёсатни юритмоқда, сифатли хизмат кўрсатишга нисбатан аҳоли талабини тўлиқ қондириш мақсадида ўз таркибидаги корхона ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириб, уларнинг иш самарадорлиги ва молиявий барқарорлигини оширмоқда.

Бунда йўловчи ташиш хавфсизлигини таъминлаш ва йўловчиларга юқори даражада хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, транспорт воситаларининг йўналишларда белгиланган жадвал бўйича ораликдаги вақтга риоя этган ҳолда ҳаракатланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шаҳарда йўловчиларни ташишни ташкил этиш борасида тартиб-интизомни мустаҳкамлаш учун компания томонидан ахборот-коммуникация технологиялари, ҳаракатланувчи таркибни навигация ёрдамида назорат қилиш тизими (GPS) кенг жорий этилмоқда, транспорт воситаларининг охирги манзилга келиши ва жўнаб кетиш вақтини қайд қиладиган электрон терминаллар ўрнатилмоқда, йўналиш линияларида он-лайн режимида диспетчерлик бошқаруви кучайтирилмоқда.

Бу борадаги барча ишлар Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 9 октябрда қабул қилинган «Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижроси доирасида амалга оширилмоқда.

Ҳар ой сотилаётган 28 миллиондан ортиқ йўловчи чиптасининг 22 миллионтаси автобуслар улушига тўғри келмоқда. Бу эса жамоат транспорти орасида ер устида ҳаракат қиладиган транспорт воситалари энг оммабоп эканидан далолат беради.

Айни пайтда пойтахтимизда 157 йўналиш бўйлаб 1,3 мингдан зиёд автобус ҳаракатланмоқда. Йўловчи ташиш сифатини ошириш ва аҳолига қулайлик яратиш мақсадида ўтган йили юзта янги «Mercedes-Benz» русумли автобус харид қилиниб, айни пайтда аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

– Жамоат транспортида санитария-техник ҳолат ва ўзини тутиш маданиятига қандай талаблар қўйилган?

– Жамоат транспорти – аҳоли тўпланадиган жой ҳисобланади. Шунинг учун унга қатъий санитария-техник талаблар қўйилган. Компаниямиз ходимлари транспорт воситаларининг самарали ва мунтазам ҳаракат қилишини қатъий назорат қилмоқда. Пойтахт жамоат транспорти ҳар куни узунлиги 3,5 минг километрдан ортиқ йўналишлар бўйлаб 25 мингга яқин қатновни амалга оширади. Барча техника воситалари ҳар куни тегишли санитария-техник текширувдан ўтказилади. Жумладан, иш бошланиши олдидан ва якунида техник кўрикдан ўтказилиб, барча қурилмалар ва узелларнинг ҳолати ҳамда ишга яроқлилиги ўрганилади, транспорт воситасининг санитария ҳолати, шунингдек, двигатель ва агрегатлари текширилади.

Тошкент шаҳридаги тўққизта автобус саройи алоҳида ишларни бажарадиган, жамоат транспортининг ишлаш ҳолати ва улардан қулай фойдаланишни таъминлайдиган юқори малакали ходимларга эга.

Жамоат транспортида ўзини тутиш маданияти даражасини ошириш мақсадида ўтган йили компаниямиз томонидан йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданияти ойлиги ўтказилди. Бундан ташқари, йўловчилар жорий этилган «ишонч телефон»лари орқали қоида бузилишлар ҳақида хабар қилиши, хизмат кўрсатишни яхшилаш бўйича таклифлар киритиши мумкин.

– Жамоат транспорти фаолиятини янада яхшилаш учун тизимга қандай ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилмоқда?

– Айни пайтда «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик компаниясида шаҳар йўловчи транспорти қулайлигини оширишга қаратилган замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилмоқда. Чунончи, GPS-мониторинг тизими улар орасида энг муҳимлардан бири бўлиб, мазкур тизим транспорт воситаси турган жойни аниқлаш ва шундан келиб чиққан ҳолда йўналиш вақтини режалаштириш имконини беради. www.via.uz сайтида ҳар бир фойдаланувчи ўзи учун керакли бекатга у ёки бу автобуснинг келиш вақтини билиб олиши мумкин. Бундан ташқари, GPS-мониторинг тизими диспетчерларга йўллардаги фавқулодда ҳолатларда тезкор ҳаракат қилиш, транспорт воситаларини йўналишлар бўйича тенг тақсимлашга ёрдам бермоқда.

Айни вақтда охирги бекатларда транспорт воситаларининг келиш ва жўнаб кетиш вақтини қайд этиш, бекатларда транспортларнинг узоқ тўхтаб туриши, юз бериши мумкин бўлган фавқулодда ҳолатларнинг ўз вақтида олдини олиш имконини берадиган видеокузатув тизими жорий этилмоқда.

Бундан ташқари, фуқароларнинг компания раҳбариятига мурожаат қилиши, шунингдек, Тошкент ва қўшни шаҳарларда ўтказиладиган турли тадбирларга транспорт хизмати кўрсатишга он-лайн режимида буюртма бериш учун ариза тақдим этиш бўйича қатор интерактив хизмат турлари кўрсатилмоқда. Улар компаниянинг www.tshtx.uz веб-сайти ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ташкил этилмоқда.

Шунингдек, Тошкент шаҳар жамоат транспорти йўналишларининг янги интерактив харитаси ишга туширилди. Мазкур хизмат пойтахт аҳолиси ва меҳмонларининг шаҳар жамоат транспорти йўналишлари ҳақида хабардорлигини ошириш учун зарур. У шаҳар харитасида танланган йўналиш чизмаси, йўналишдаги кўчалар ва бекатларни акс эттириш имконини беради. Харитада 11 мингдан зиёд компания ва корхоналарга оид маълумотлар ҳамда уларга жамоат транспорти воситасида етиб бориш чизмаси мавжуд.

Шаҳар йўловчи транспорти ҳаракатини масофадан туриб мониторинг қилишнинг янги тизими ҳам амалиётга муваффақиятли татбиқ этилди. Ушбу дастурланган аппарат транспорт воситалари турган жойни аниқлаш, уни харитада акс эттириш, унинг ҳаракатини, йўналишдан чиқиб кетиш ёки тезлик тартибининг бузилиши ҳолатларини кузатиш имконини беради. Шунингдек, мазкур тизим тезлик тартиби, жадвал ёки ҳаракатланиш пайтида оралиқ вақт бузилганда, авария ҳолати юзага келганда диспетчерга ҳайдовчи билан овозли режимда боғланиш ёки унга матнли хабар юборишга ёрдам беради.

Бугунги кунда шаҳардаги 13 йўналиш бўйлаб ҳаракатланаётган «Mercedes-Benz» ва «Isuzu» русумли 134 автобус, шунингдек, «Фотон» ва «Ивеко» русумли 12 микроавтобусга мазкур тизим ўрнатилди. Жорий йил охиригача шаҳар йўловчи транспорти йўналишларининг барчасига уни жорий этиш режалаштирилмоқда.

Йўлкира тўлаш автоматлаштирилган тизимининг амалиётга татбиқ этилиши «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик компаниясининг истиқболли лойиҳаларидан биридир. Бундай қурилмаларни транспорт воситаси эшикларига ўрнатиш, шунингдек, кондукторларга йўлкирасини йиғиш учун ихчам мосламаларни бериш режалаштирилмоқда. Йўловчи тўловни амалга ошириб, бир марталик чипта ўрнини босадиган чекни олиши мумкин.

Шаҳар инфратузилмасининг муҳим таркибий қисми бўлган жамоат транспортининг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари жамиятимиз ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётининг кўрсаткичи ҳисобланади. Зеро, мустақиллик йилларида жамоат транспорти тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар мазкур тизимни изчил ривожлантиришга хизмат қилаётир.

Роман БОНДАРЧУК

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

БАНДЛИК ДАСТУРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбирда депутатлар 2014 йилда саноат, қурилиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг ижросини таъминлаш бўйича Жиззах ва Наманган вилоятлари ҳокимликларининг маълумотини тинглади.

Қўмита раиси С.Жабборов иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури мамлакатимиз парламенти томонидан қабул қилинган муҳим ҳужжат эканини таъкидлади. Ушбу ҳужжат ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, меҳнат бозори талаблари инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилди. Жойларда дастурнинг амалга оширилиши нафақат янги иш ўринлари ташкил этиш, балки фуқароларни ишончли ижтимоий ҳимоя қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шароит яратишга хизмат қилади.

Йиғилишда ушбу ҳужжат ижроси бўйича Жиззах ва Наманган вилоятлари ҳокимликларининг маълумоти тақдим этилди. Жиззах вилоятида янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар юқорида қайд этилган дастур ва бошқа қатор ҳужжатлар, жумладан, 2013-2016 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастури асосида амалга оширилаётгани таъкидланди. Жорий йилда вилоятда жами 43,9 мингта янги иш ўрни ташкил этилади.

Наманган вилоятида ҳам саноат, қурилиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг январь-март ойларида 1,4 минг хўжалик субъекти томонидан 17,8 минг иш ўрни яратилди. Шунинг 14,8 мингдан зиёди қишлоқ туманларида ташкил этилди. Бунда янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш, ишлаб чиқариш субъектларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Йиғилиш қатнашчилари эришилган ютуқлар билан бир қаторда ушбу вилоятларда ёшларни мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш, уларнинг касб малакасини ошириш борасида айрим камчиликлар мавжудлигини таъкидлади. Тадбирда мазкур камчиликларни бартараф этиш бўйича фикр-лар билдирилди.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎзА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси томонидан ушбу мавзуда матбуот анжумани ташкил этилди.

ЯГОНА ПОРТАЛ: НАТИЖА ВА ИСТИҚБОЛЛАР

Тадбир 2013 йил 1 июлдан интернет тармоғидаги my.gov.uz манзилида ўз фаолиятини бошлаган Ягона интерактив давлат хизматлари портали ишга туширилганининг бир йиллигига бағишланди. Ушбу порталнинг фойдаланишга топширилиши ва уни изчил ривожлантириш Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ахборот соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самараси экани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси вакиллари ўтган бир йил мобайнида амалга оширилган ишлар натижасини сарҳисоб қилди. Чунончи, ўтган даврда ушбу тизимга давлат ва хўжалик бошқаруви, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, жумладан, туман ва шаҳар ҳокимликларининг беш юздан зиёд ташкилоти уланди. Ягона порталда икки юзга яқин, хусусан, давлат органлари раҳбарияти қабулига ёзилиш, бўш иш ўринлари билан танишиш, биометрик паспорт олиш учун ариза топшириш, тадбиркорларга мўлжалланган ва бошқа кўплаб хизматлар жорий этилди.

Ўтган давр мобайнида Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали фойдаланувчилар томонидан давлат ташкилотларига қарийб 20 минг мурожаат жўнатилиб, улардан 85 фоизи кўриб чиқилди ва жавоб қайтарилди. Қолган 15 фоизи эса кўриб чиқилмоқда. Жами мурожаатларнинг 11 фоизга яқини юридик шахслардан келиб тушган.

Таъкидлаш лозимки, Ягона интерактив давлат хизматлари портали «1060» ва «8-800-200-1818» рақамлари орқали қўнғироқ қилиш мумкин бўлган «call-center» хизматига эга. Мазкур рақамлардан фойдаланиб, давлат органларига ариза, шикоят ва таклифлар жўнатиш мумкин. Бугунги кунгача «call-center» орқали давлат органларига 7500 дан зиёд мурожаат юборилган.

Матбуот анжуманида Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг амалга татбиқ этилгани давлат органларининг фуқаролар мурожаатларини, хизматлардан фойдаланиш учун келиб тушаётган аризаларни кўриб чиқишга нисбатан ёндашувини тубдан ўзгартиргани таъкидланди. Шу боис портални такомиллаштириш борасидаги ишлар аҳолининг эҳтиёжи инобатга олинган ҳолда давом эттирилади.

Бобур ОБИДОВ,
ЎзА мухбири

2014 йил — Соғлом бола йили

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТИББИЙ ХИЗМАТ РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги ихтисослаштирилган, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишнинг бугунги кундаги ҳолати, соҳани янада ривожлантириш ва юксалтириш истиқболларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази раҳбарлари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.Алимов, Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази директори Ф.Назиров, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази бош директори А.Ҳожибоев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самараси ўлароқ, халқимизнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий ёрдам сифати ва самарадорлигини ошириш, аҳолига замонавий тиббий-санитария, профилактика, диагностика ва шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишнинг яхлит ва мукаммал тизими яратилганлиги ҳамда бу инсонлар соғлиғини яхшилашда муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидладилар.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда мураккаб юқори технологияли тиббий хизматлар кўрсатувчи республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий марказлар ташкил этилиб, улар хирургия, урология, кардиология, кўз микрохирургияси, акушерлик ва гинекология, педиатрия, терапия ва тиббий реабилитация, дерматология ва венерология, фтизиатрия, пульмонология ҳамда эндокринология каби йўналишларда фаолият олиб бормоқда.

Республика шошилинч тиббий ёрдам марказининг жойлардаги 13 та минтақавий филиали, шунингдек туман тиббиёт бирлашмалари қошидаги 172 та субфилиал аҳолига самарали хизмат кўрсатмоқда.

Юртимизнинг барча ҳудудларида тез тиббий ёрдам станциялари, санитар авиация хизмати йўлга қўйилган. Ушбу шифо муассасаларида юқори малакали мутахассислар замонавий тиббий асбоб-ускуналар ёрдамида аҳолига тез ва сифатли хизмат кўрсатмоқда.

Биргина ўтган йилнинг ўзида Республика ихтисослаштирилган хирургия марказининг кардиожарроҳлик мажмуаси ва бошқа шундай шифохоналарда юрак-қон томир касалликларига чалинган 4 мингдан зиёд беморга замонавий тиббий ёрдам кўрсатилди.

Ихтисослаштирилган тиббий ёрдамнинг бошқа йўналишларида ҳам қисқа даврда юксак натижалар қўлга киритилди. Бу ютуқларни оммалаштириш, даволаш ва диагностиканинг замонавий услубларини амалиётга изчил татбиқ этиш мақсадида малакали мутахассислар иштирокида «Маҳорат дарслари» ўтказиб келинмоқда.

Жумладан, шифокорларимиз етакчи хорижий тиббиёт таълим муассасаларида, клиникаларида соҳалар бўйича диагностика ва даволашнинг замонавий методлари юзасидан касбий даражаларини ошириб келишмоқда.

Аҳоли соғлиғини мустаҳкамлашга қаратилган ислоҳотлар кўлами йилдан йилга кенгайиб бормоқда. Ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва шошилинч тиббий ёрдам илмий марказлари, тез тиббий ёрдам бўлимларининг фаолиятини доимий ривожлантириш ва соҳанинг моддий-техник базасини такомиллаштириш ҳам доимий эътиборда.

2013 йилда соғлиқни сақлаш тизимига йўналтирилган инвестициялар ҳажми 2010 йилга нисбатан 3,8 баробарга кўпайди. Бунинг натижасида 295 та тиббиёт муассасаси реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларини жиҳозлаш 1,8 баробарга ошди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида ҳам бу ишлар узлуксиз равишда давом эттирилмоқда.

Анжуманда оммавий ахборот воситалари вакилларига мамлакатимиз аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатишнинг бугунги ҳолати, юқори технологияларни қўллаш самаралари, кадрлар малакасини ошириш ва тиббиётда илм-фан ютуқларини кенг оммалаштириш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган лойиҳалар юзасидан етарлича маълумотлар берилди.

Гулчеҳра САТТОР қизи

ҲАМКОРЛИКДАГИ ФАОЛИЯТ САМАРА БЕРАДИ

Шаҳримизда аҳолининг ижтимоий-сиёсий маданиятини ошириш, ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, ёшларга оид давлат сиёсатини изчиллик билан амалга ошириш ҳамда Президентимизнинг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш борасида турли мавзудаги тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Миробод туман ҳокимлигида «Чет эл давлатларидан турли ҳуқуқбузарлик содир этганлиги учун депортация қилинган фуқаролар билан профилактик тадбирларни ўтказиш» мавзуида ўтказилган ўқув-семинари ҳам ушбу йўналишдаги ишларнинг узвий давомидир.

Тадбирда туман ҳудудий идоралараро комиссияси раиси вазифасини в.б. А.Абдураҳмонов, туман Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими раҳбари Я.Шодиева, тиббиёт бирлашмаси бош шифокори С.Муратова, туман бандликка кўмаклашувчи маркази раҳбари М.Шерматов ва бошқалар сўзга чиқиб, мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

— Одам савдоси ижтимоий иллат сифатида маълум бир тоифадаги инсонларнинг эмас, балки дунё ҳамжамиятининг катта муаммоларидан бирига айланган экан, уни бартараф этишга барча илғор кучлар сафарбар этилган ва биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз албатта ижобий натижалар беришига ишонамиз, — дейди туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Феруза Мадаминова. — Фуқароларимиз, айниқса ёшларимизнинг одам савдоси каби жирканч иллатларга дучор бўлмаслиги учун масъул идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳамжиҳат ва ҳамкорлигини давом эттириш мақсадида ташкил қилинаётган тадбирлар замирида инсонларнинг бахтиёр ва эркин ҳаёти мужассамдир. Маҳаллаларда ҳам бу каби тадбирларни мунтазам равишда ўтказиб бориш мақсадга мувофиқдир. Зеро, маҳалла чинакам маънавият ва маърифат ўчоғи, ёшларни бирдамликка, огоҳликка чорлайдиган муқаддас маскандир.

Гулнигор САТТОРОВА

Анжуманлар

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ СЕМИНАР

Пойдевори мустаҳкам бўлган иморат узоқ яшайди. Шу боис ҳам юртимизда болаларнинг маънан етук ва жисмонан бақувват бўлиб вояга етишларига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Олмазор туманидаги 68-мактабгача таълим муассасасида тарбиячилар, педагоглар иштирокида ўтказилган семинарда ҳам шу ҳақда сўз борди.

Унда келажагимиз ворислари бўлмиш болажонларга мактабгача таълим муассасасида таълим беришнинг долзарб масалалари муҳокама этилди. Тадбир қатнашчиларининг фикрига кўра мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларига сабоқ беришда замонавий ҳамда интерфаол усуллардан фойдаланиш даркор, болажонларнинг жисмонан бақувват бўлиб вояга етишларига имкон яратиш шарт эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Якунда бу борада амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар режаси белгилаб олинди.

(Ўз мухбиримиз)

Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида Маънавият тарғибот маркази Чилонзор туман бўлими, «Камолот» ЁИҲ туман Кенгаши, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда «Ватан келажаги — сенинг қўлингда!» шиори остида болалар учун маданий-мусиқий тадбир ўтказилди.

Тадбирлар

УНИВЕРСИТЕТДА МАЪРИФИЙ ТАДБИР

Унда 22-сонли Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳамда туман маҳаллаларидаги кам таъминланган оилалар фарзандлари иштирок этди.

Тадбирда Маънавият тарғибот маркази Чилонзор тумани бўлими раҳбари Гулчеҳра Дўсметова ва бошқалар сўзга чиқиб, мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, уларнинг замонавий стандартлар асосида таълим-тарбия олишлари учун барча қулай шарт-шароитларни яратиш, жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланиши, айниқса қизлар спортини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланганлигини алоҳида таъкидладилар.

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, «Камалак» ва «Баркамол авлод» ижодий тўгаракларининг ёш санъаткорлари томонидан куйланган дилтортар куй-қўшиқлар болажонларнинг мароқ билан маданий ҳордиқ чиқаришларига хизмат қилди.

— Тумандаги маҳаллаларда истиқомат қилувчи ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари ва Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳолидан хабар олиш,уларни маънавий, моддий қўллаб-қувватлаган ҳолда ижтимоий кўмаклашиш, бундай маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида ушбу тадбирни ташкил этдик, — дейди «Камолот» ЁИҲ ТДИУ бошланғич ташкилоти етакчиси Азизбек Амонов. — Тадбир доирасида жажжи болажонлар учун университет музейи, ахборот ресурс маркази ва кутубхона фондлари, ўқув аудиторияларига ташриф уюштирилиб, атрофлича таништирилди.

Тадбир иштирокчиларига университетнинг «Очиқ осмон остидаги музей» мажмуасидаги Самарқанд, Бухоро ва Хоразмнинг қадимий меъморчилик иншоотлари барпо этилган кичик макетлар кўрсатилиб, уларнинг тарихий аҳамияти хусусида маълумот ва шарҳлар берилди.

Тадбир сўнгида жажжи иштирокчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ

«Камолот»

ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАРИ БОЙИТИЛДИ

Ёшларни суд органлари тизими ва фаолияти билан яқиндан таништириш мақсадида Тошкент тижорат ва тадбиркорлик ҳамда Яккасарой маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг Жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман судига ташрифи уюштирилди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Яккасарой туман Кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирни ўтказишдан мақсад Президентимизнинг жорий йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда ёшларнинг мамлакат миқёсидаги сиёсий жараёнларга мустақил ва онгли муносабатини шакллантириш, мамлакатни модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган сиёсий ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини ёшлар онгига чуқур сингдириш, уларда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунларига ҳурмат ҳиссини камол топтиришдан иборатдир.

— Мазкур тадбирни ўтказиш орқали ёшларимизни суд тизими ва фаолияти билан яқиндан таништиришга ҳаракат қилдик, — дейди «Камалак» болалар ташкилоти Яккасарой туман бўлими раиси Мунаввар Ганиева. — Мутасаддилар билан учрашув натижасида ёшлар судларнинг жамиятимиздаги ўрни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари тўғрисида янада кўпроқ маълумотга эга бўлдилар. Бундан ташқари бундай учрашувлар ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларга сўнгги йилларда мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тушунтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман судининг девонхона мудири Бобур Иногамов ёшларга суд тизими ва судларнинг ихтисослашуви юзасидан, Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, тадбиркорлик субъектларини ҳимоялашда хўжалик судларининг ўрни, «Хўжалик суди томонидан ҳал этиладиган низолар ва уларни кўриб чиқиш тартиби» ва бошқа масалалар бўйича батафсил маълумот берди.

Давра суҳбатида ёшлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоблар олишди.

Зиёда РАСУЛОВА

ФАОЛЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Ёш томошабинлар театрида «Ватан, дўстлик ва халқпарварлик учун» мавзуида анжуман ўтказилди.

«Камолот» ЁИҲ Шайхонтоҳур туман Кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар комиссияси мутасаддилари, «Камолот» ЁИҲда «Камалак» болалар ташкилоти фаоллари, ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Анжуман давомида 2013-2014 ўқув йилларида «Камолот» ЁИҲ туман Кенгаши томонидан ўтказилган маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий тадбирларда фаол қатнашган касб-ҳунар коллежлари, академик лицей ва мактаблар раҳбарлари тақдирланди.

Бундан ташқари «Камолот» ЁИҲ Шайхонтоҳур туман Кенгашининг иш фаолиятига самарали ҳисса қўшган таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилот етакчилари туман сардорлар кенгашининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланишди.

— «Камолот» ЁИҲ томонидан ёшларимиз учун жуда катта имтиёз ва имкониятлар яратилмоқда, — дейди туман Кенгаши «Матбуот» йўналиши сардори Мунира Тошпўлатова. — Ҳақиқатан ҳам «Камолот» ЁИҲ биз учун таянч ва суянч вазифасини ўтамоқда. Туман Кенгаши томонидан ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар ва тарғибот-ташвиқот ишлари ёшлар онгимнинг ўсишига ва билимининг ривожланишига хизмат қилмоқда. Мен ҳам мана шундай тадбирларда фаол иштирок этганлигим учун туман Кенгашининг фахрий ёрлиғи билан тақдирландим. Бу эса кучимга куч ва ғайратимга ғайрат қўшади.

Анжуманда «Қувноқлар ва зукколар» жамоасидан ташкил топган Шайхонтоҳур терма жамоасининг концерт дастури намойиш этилди.

(Ўз мухбиримиз)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди

Грант олиш учун танлов эълон қилади

Танлов мавзуси: «Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга оширишда, аҳоли фаровонлигини юксалтиришда, тадбиркорликни ривожлантиришда ва аҳолининг ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд қисмига ёрдам кўрсатишда фуқаролик жамияти институтлари билан давлат тузилмаларининг ўзаро ижтимоий шериклигини янада кучайтириш».

Танловда Ўзбекистон Республикасининг ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

— ижтимоий шерикликнинг янги шаклларини амалга ошириш орқали ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш;

— оилаларда соғлом муҳитни кучайтириш, уларнинг иқтисодий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш;

